



ИНСОН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 5 май, чоршанба № 54 (701)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси

Президентнинг

ФАРМОНИ

Т.Қайибергенов ва И.Юсуповни «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Миллий адабиётни ва маданиятни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш йўлидаги самарали хизматлари ҳамда маънавий-маърифий ислохотлар жараёнидаги фаол иштироки учун қўйидагилар мукофотлансин:

«Эл-юрт хурмати» ордени билан

Қайибергенов Тўлепберген-Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Юсупов Иброҳим-Ўзбекистон Халқ шоири

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри, 1999 йил 4 май

И.КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 май кuni расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония ташқи ишлар вазири Масахико Коумура раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганини қайд этди.

Ушбу ташрифнинг Япония ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистонга илк ташрифи сифатида аҳамиятлидир, деди Ислам Каримов. М.Коумурага: «Сизни фақатгина Япония ташқи сиёсат маҳкама-

си раҳбари эмас, балки мамлакатда таниқли жамоат арбоби, жумладан, парламентда ўзига муносиб обрў-эътиборга эга бўлган шахс сифатида ҳам таниймиз. Давлатимиз раҳбари Япониянинг халқаро сиёсий майдондаги ўрнига тўхталиб, унинг ривожланган мамлакатлар гуруҳи - «Катта еттилик» сафидан жой олгани бежиз эмаслигини, зеро бунинг учун мамлакатда улкан иқтисодий салоҳият мав-

жудлигини таъкидлади. Кунчиқар мамлақати ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистонга ташрифи муҳим сиёсий аҳамиятга моликдир. Бу Япония ҳукумати билан Ўзбекистон билан алоқаларни кенгайтиришга кизикиши ортиб бораётганидан дарак беради. Айни кунларда Тошкентда Япониянинг халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги (JICA)нинг минтақавий ваколатхонаси очилгани ҳам фикримиз тасдиғидир. Зеро, Япония ҳукумати ривожланаётган давлатларга ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилган «Тараққиётга расмий кўмаклашув» дастури

асосан мана шу агентлик томонидан амалга оширилади. JICA 71 давлатда фаолият кўрсатаётган бўлса-да, шу вақтгача MDX мамлакатидан ваколатхона очмаган эди. Япония ташқи ишлар вазири ўз ҳукуматининг Ўзбекистондаги демократик ислохотларни қўллаб-қувватлашни давом эттиришга ҳамда ўтиш даврида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи кўриб чиқилиб, ўзаро ҳамкорлик алоқала-

рини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В.Ғолишев, ташқи ишлар вазири А.Комилов ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев иштирок этди.

Қабулда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси К.Обата ҳозир бўлди.

(ЎЗА)

Суратда: Қабул пайти А. Тўраев (ЎЗА) олган суратлар.

ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Япония ташқи ишлар вазири Масахико Коумура раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазириликда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг тобора ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Япониялик меҳмонлар шу кунги Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида ҳам бўлди. Маълумки, 1945-1946 йилларда Узоқ Шарқдан депортация қилинган юзлаб япон фуқаролари улуг бобомиз

номидаги театр биносининг қурилишига ўз ҳиссаларини қўшган эдилар. Япония ташқи ишлар вазири ўз ватандошлари хотирасига атаб театр олдидаги майдонга сакура дарaxти кўчатини ўтказди.

Шу кунги Япония ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Тошкентдаги япон ҳарбий асирлари дафн этилган қабристонни ҳам зиёрат қилди.

М.Коумура Темурийлар тарихи Давлат музейига ҳам ташриф буюриб, Соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни томоша қилди. Бу ерда у музейнинг фахрий меҳмонлар китобига ўз истакларини ёзиб қолдирди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОНДА JICA ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистонда Япония халқаро ҳамкорлик бўйича агентлигининг (JICA) минтақавий ваколатхонасининг очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасида тобора ривожланиб бораётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликда JICA агентлигининг ҳам улushi борлиги бизни қувватлади, деди маросимни очар экан мазкур агентлик вице-президенти Хишао Азума. Ўзбекистонда JICA ваколатхонасининг очилаётгани мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада бойитишига ишончим комил.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев мазкур агентлик ваколатхонаси юртимизда энди очилаётган бўлса-да, унинг Ўзбекистонга кўрсатаётган

беғараз кўмаги бундан анча йил аввал бошланганини таъкидлади. Шу давргача, агентлик томонидан Ўзбекистонга техник ёрдам ва кадрлар тайёрлаш бўйича кўрсатилган ёрдам ҳажми 70 миллион АҚШ долларидан ошиб кетган.

Ўзбекистон билан Япония ўртасида дипломатия муносабатлари 1992 йилда йўлга қўйилган эди, деди маросимда сўзга чиққан Япония ташқи ишлар вазири Масахико Коумура.

Ушандан буён Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорлик тобора ривожланиб келмоқда. Япония ҳукумати JICAnинг ўрта Осиёдаги ваколатхонасини айнан Ўзбекистонда очиш-

га қарор қилгани ҳам ана шу ҳамкорликнинг келгуси истиқболга ишонч рамзидир.

JICA Япония ҳукумати «Тараққиётга расмий кўмаклашув» дастури доирасидаги ижрочи ташкилоти бўлиб, 1974 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Чорак асрдан буён мазкур агентлик етмишдан ортиқ мамлакатга иқтисодийнинг турли соҳаларида беғараз кўмак бериб келмоқда. Агентликнинг ўрта Осиё ва Қозоғистонда олиб борадиган фаолияти энди Тошкентда очилган ваколатхонаси томонидан уюштирилади.

Ваколатхона очилишига бағишланган тадбирда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулваҳид Комилов иштирок этди.

С.РАҲИМОВ, ЎЗА мухбири.

9 май - Хотира ва Қадрлаш кuni

Давлатимиз раҳбарининг Фармонига кўра Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлганларнинг, фронт ортида туриб фидокорона меҳнат қилганларнинг, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам Ватанимиз обрўини юксалтиришга, ёшлар тарбиясига ҳисса қўшаётган нуруний инсонларни ҳурматлаш мақсадида бу йил 9 май - Хотира ва Қадрлаш кuni сифатида нишонланади.

Тошкент шаҳрида ҳам бу қутлуғ санага кенг миқёсдаги тайёрғарлик ишлари олиб боришмоқда. Шаҳар ҳокимлиги томонидан махсус қарор қабул қилиниб, тадбирлар режаси белгилаб олинган.



Билан бирга уч мингдан зиёд уруш ва меҳнат фахрийлари турли соғломлаштириш масканларига имтиёзли йўлланмалар берилади. Тошкент шаҳар касаба уюшмалари томонидан ҳам 200 тадан кўпроқ бепул йўланма ажратиш режалаш-

«Қўқонэлектромаш» ҳиссадорлик жамияти Асакадаги «ЎЗДЭАВТО» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун эҳтиёт қисмларнинг янги нусхаларини тайёрлаб бериш бўйича буюртмалар

олди. Эндиликда бу ерда «Нексия» радиаторларининг, «Дамас» рамаларининг турт турдаги бутловчи қисмлари тайёрланади.

Ўтган йилнинг ўзидаёқ асакалик автомобилсозларга қарий етти миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди, - дейди ҳиссадор-

лик жамияти бошқаруви раиси Ш.Соҳибназаров. Маҳсулотларимиз сифатига эътироз билдирилаётгани йўқ. Ҳозир ҳар ойда ярим

миллион сўмликдан кўпроқ автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқаряпмиз.

Р.КАМолов, ЎЗА мухбири.

АСАКА АВТОМОБИЛЛАРИ УЧУН

ШОИРНИНГ МУНАВВАР ЙЎЛЛАРИ

Шоир Ибройим Юсупов ижоди ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бердақ таваллудининг 170 йиллигини нишонлаш ҳақидаги ўтган йилги қарори асосида амалга оширилган амалий тадбирлар бердақшунослик фанида муҳим босқич бўлиб, шоир ижодини жаҳонга олиб чиқишда янги имкониятлар яратди.

Қорақалпоқ халқининг ўлуғ фарзанди Бердақ Қарғабой ўғли ўзининг ўлмас ижоди билан замонда оқибатида халқ буғидаги давр ижодкорларига катта таъсир ўтказган шоир ва бахши эди. Шу таъсирланишни, эътирофларни, миннатдорлик хис-туйғуларини қатор қорақалпоқ шоирлари - Аббос Добилов, Содиқ Нуриметов, Жўлмирза Оймирзаев, Тўлеуберган Жумамуратов, Наврўз Жапақов, Тажеддин Сейтжанов, Тўлибой Қобулов ижодида, уларнинг бевосита Бердаққа бағишланган шеърларида кузатишимиз мумкин.

Бердақ аъёнларининг давомчилари орасида Ибройим Юсупов алоҳида ўрин тутди. Шоир ижодини бевосита синчиқлаб ўрганиш, унинг асарларини нашрга тайёрлаш, муҳаррирлик қилиш, саралаш ишларида Ибройим Юсупов бе-

восита иштирок этди. Бердақ асарларини халқдан ёзиб олиш, тўплаш, нашр қилиш ишлари 30-йилларда бошланиб, то яқин-яқинларгача давом этиб келган бўлса ҳам, шоир шеърларини саралаш каби масъулиятли ва заргарона иш яқин-яқинларгача қилинмаган, бунга ҳеч ким журъат ҳам эта олмаган эди. Бунга Ибройим Юсуповгина журъат эта олди.

Бердақ билан Ибройим Юсупов ижодини яқинлаштириб турувчи яна бир жиҳат улар шеърлигидаги руҳий муштаракликдир. Маълумки, Бердақ ижоди халқ тақдири, ҳаёти, тарихи билан бевосита боғланган. «Халқ учун», «Болам», «Солиқ», «Ез келарми», «Келин», «Қачон роҳатланидирсан», «Яшироқ» каби ўнлаб шеърлари бунга мисол бўла олади. Ибройим Юсупов ижодида ҳам шу каби халқ дилига жо бўлиб кетган ўнлаб шеърлар, юзлаб қўшиқлар бор. Мангулик тамга-

си босилган бу шеър ва қўшиқлар аллақачон халқнинг кўнгли мулкига, қадриятлар хазинасига айланган. Йиллар оша, асрлар оша бир-бирига талпиниб, қўл узатиб турган бу икки шоир ижодиди шу хил руҳий яқинлики хис этиш, кузатишнинг ўзи мароқли.

Замон эврилишларини, юртимиз юлдузлари бахт буржиди порлаб нур сочишларини қарангки, мустақиллик шарофати ила шоирлар орзу қилган буюк келажак тобора яқинлашиб келаётган. Янги даврон, янги турмушимиз ўз афзалликларини тобора ёрқинроқ намойён этаётган.

Замонамизнинг номдор шоири Абдулла Орипов Бердақ бобомиз ҳақида шундай деган эди: «Мен ўлуғ шоир Бердақни фазолардан ахборот тўплаб бизга олиб келаётган юлдузга ўхшатаман. Бердақ ҳам ўз халқининг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ва келажиги ҳақидаги тасаввурларини ўз ижоди орқали бизга етказиб билган юлдуз каби буюк шоир ва мутафаккир деб ҳисоблайман». Шундан маълум бўлаётганки, шоирлар ўз ижодидида, шеърларида, образ яратишда нур, фазо, юлдуз каби самовий

тушунчаларга бежиз ургу берилмас экан.

Ибройим Юсуповнинг мана бу сатрларига эътибор беринг:

Юлдуз оқиб кетса оқимонга вақтда, Бирдан сен тушасан ёдимга менинг. Агар чакмоқ тушса яшил дарахтга, Дарҳол сен тушасан ёдимга менинг...

Ушбу сатрлар Қорақалпоқистондан чиққан биринчи академик Марат Нурмухамедов ҳақида айтаётган... Эътибор беринг, яна юлдузлар, чакмоқ ҳақида гап кетмоқда. Аниқроғи, ўтган алломуларни ёдга олиш чоғида «нур» ва «юлдуз» образлари яна шоирга улуг бир тушунча бўлиб хизмат қилаётган. Зеро, бу ҳам бежиз эмас. Буюк муҳаддис бобомиз Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ўзининг «Ас-Сахийх» китобидида юлдузлар ҳақида қуйидаги ҳадисни ёзди: «Аллоҳ таоло бул юлдузларни уч мақсадда - осмонга зийнат, шайтонларга отиладиган тош ҳамда бандаларига йўл кўрсатувчи аломатлар бўлмоғи учун яратди». Замон тўлғанишларини англашда, ёшлар келажиги

га умид ва ишонч билдиришда айнан мана шу сўзлар - юлдуз ва нур, осмон ва ёруғлик манбалари шоирлар учун камрабаста бўлиб хизмат қилаётган экан, шунинг ўзини бир поэтик гўзаллик сифатида қабул этиш, англаш, кузатиш ва завқланиш - қандай мароқли! Зеро, Юртбошимиз оруз қилаётган улуг келажак - овоз ва обод Ўзбекистонимизнинг эртанги кунги худди мана шу ёшларимиз - бугун биз учун юлдуз каби порлаб кўринаётган, ардоқланаётган фарзандларимиз қўлида эмасми?

Мулоҳазаларимизни Ибройим Юсуповнинг «Президентга» деб номланган шеърдаги ушбу ёруғ сатрлар билан яқинлашни маъқул топдик:

Келгуси авлодлар олғайлар ёдга, Тангрим шарофатли назарин солгай. Сизу биздан шу эртанги авлодга Овоз ҳамда обод бир Ватан қолгай!

Б.НАЗАРОВ, профессор, К.ЮСУПОВ, адабиётшунос. (ЎЗА)

ҚУТЛУҒ САНА ТАДОРИГИ

Хотира ва Қадрлаш кuni муносабати билан пойтахтимиз туман ва маҳаллаларида, уқув юрларида, маданият ва маърифат муассасаларида кўргазмалар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, бадий кечалар ўтказилади. Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган барча уруш фахрийлари, ўша йилларда фидокорона меҳнат қилганлар, юрт эрки йўлида жонбозлик қўрсатган инсонларга иззат-иқром кўрсатиш бўйича дастур ишлаб чиққанмиз ва уни амалга оширишимиз, - дейди Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров. Бу дастурга мувофиқ қутлуғ сана арафасида Ҳамза туманида қайта таъмирланган 120 ўринли нурунийлар шифохонаси очилди. Бу ерда қарияларимизга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун замонавий ускуналар ўрнатилмоқда.

Шаҳар ижтимоий таъминот бошқармаси томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида 150 нафар ногирон ва фахрийларга ногиронлар аравачалари, 535 нафарига эшитиш мосламаси, 160 нафарига даволаниш муассасаларига имтиёзли йўлланмалар берилди. Хотира ва Қадрлаш кuni муносабати билан яна 75 нафар фахрийга аравача, 180 нафарига эшитиш мосламаси тақдим этилди. Шу

Беход УСМОН, ЎЗА мухбири.

Касаба уюшма ҳаёти

БОШАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ИМКОНИ

Кўпинча бошланғич касабда уюшма ташкилотидagi ишлар аҳоли корхона, муассасанинг умумий фаолияти даражасига, хусусиятига боғлиқ бўлади. Шунинг учун аксарият кишилар бевосита ишлаб чиқариш соҳаларидагина касабда уюшма бошланғич ташкилотлари фаолияти сезиларлироқ ва изчилроқ бўлиши мумкин, деб ҳисоблашади. Бизнингча, бу унчалик тўғри фикр эмас. Аслида ҳамма гап ўз ора-миздаги вазифаларни тўғри белгилаш, берилган ваколат ва имкониятлардан тўғри фойдаланиш, қолверса, меҳнат жамоаси аъзолари манфаатларининг устуворлигини тан оlishдadir. Фикримча, бошланғич касабда уюшма ташкилотининг асосий вазифаси корхона, муассаса раҳбариятининг эътиборини ижтимоий масалаларга жалб этиб туришдан iboratдир.

Иш жараёнида, вазифаларни белгилашда корхона фаолиятининг хусусиятини инобатга олиш аилбатта керак. Айниқса, бизники каби тиббиёт муассасаларида. Чунки бюджетга қарам ташкилотларда, очиги, моддий-молиявий имкониятлар бир қадар чекланган бўлади. Шунга қарамасдан иш шариотини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида ҳамма ечим топши мумкин. Ахир, қаловини топсанг қор ҳам ёнади, дейдилар-ку!

Кўп йиллик иш тажрибамиз давомида фаолиятнинг энг мумим жиҳатлари нималигини ўргандик. Биринчи сабоқ шуки, ҳар бир ходимнинг бутун жамоанинг эҳтиёжидан хабардор бўлишга, маъмуриятнинг имкониятини тўғри баҳолашга иштирок этиши шарт. Шунинг билан бир қаторда энг жиддий масалалар ҳам ҳал этилади. Бошланғич ташкилотимизнинг иш режасини ёки муассасада жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқишда ана шу қоидага асосланамиз. Чунки ҳақойи режалар панд бериб қўяди...

Яқинда умумий йиғилишда жамоа шартномасининг бажарилишини муҳокама қилдик. Ҳар икки томоннинг ўз маъбурият-

ларини бажариши барчани қониқтирди. Биз учун муҳими, тиббиёт муассасасида ҳам ижтимоий масалаларни ҳал этишга, меҳнатни муҳофаза қилишга, ходимларни моддий қўллаб қувватлашга тобора кўпроқ аҳамият берилаяпти. Масалан, ходимларни санаторийларга йўллаш 1998 йилда олдинги йилга нисбатан 25 фоиз кўпайди. Тиббиёт ходимларининг фарзандларини ёзи оромгоҳларга имтиёзли йўланмалар билан юбориш ундан аввалги йилга нисбатан бир неча баробарга ошди. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағ миқдори 50 фоизга ортиди. Аниқроқ айтганда, бу мақсадга 1998 йилда 3 млн. сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди. Жамоа шартномасида белгилангандан ташқари йил давомида ўтказилган тегишли ишлар ва ходимларнинг физик-муҳоазалари асосида иш шариотини яхшилаш бўйича бошланғич касабда уюшма ташкилоти томонидан маъмуриятга бир қанча тақлифлар берилды. Жумладан, шифохонанинг кир юши бўлимида дам олиш хонасини жиҳозлаш ва таъмирлаш, архив, лаборатория, болалар асаб касалликлари бўлимида иш жойларининг ёритилишини яхшилаш, физиотерапия бўлимида дам олиш хонасини ташкил этиш каби масалалар бўйича муурожаат қилинди. Маъмурият ҳам бу тақлифларнинг ўринли эканлигини эътироф этиб, масалалар ижобий ҳал этилди. Демокримани, фаолиятининг самараси у ёки бу тадбирнинг ҳаётий зарурлигини англашга, масалани тўғри қўй олишга боғлиқ. Амалий ҳаракатлар бошланғич ташкилот мавқени мустаҳкамлайверади. Ҳамхўрлик эса ходимларнинг иш унумини оширади, меҳнатга муносабатини яхшила-ди. Асосий мақсад ҳам мана шунда-ди.

Яқинда умумий йиғилишда жамоа шартномасининг бажарилишини муҳокама қилдик. Ҳар икки томоннинг ўз маъбурият-

Д. А. АҚРОМОВ, Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси касабда уюшма кўмитаси раиси.

ПАЗАНДАЛАР ТАНЛОВИ

Яқинда Қарши шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитасининг «Оила» клуби, матбуот уюшмаси Қарши шаҳар бўлими билан ҳамкорликда пазандалик кўрик-танловини ўтказилди.

Танлов шартига кўра иштирокчилар меҳмон кутиш, сабаб тўғриси, сабазавотлардан салат тайёрлаш, алла айтиш шартлари бўйича ўз қобилиятларини синаб кўрдилар.

Танловда иштирок этган Нарғиза Ниёзова, биринчи, Дилрабо Низонова иккинчи, Розия Ниёзова учинчи ўринларни эгаллашди.

Аёллар йилида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларимиз талайгина, - дейди «Оила» клуби раиси Озода Сайфиева. - Қуриқтанловнинг кейинги тадбирларида аёлларни мадҳ этувчи кўшиқлар танловини ўтказишни кўзда туганимиз.

ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗ ЙЎҚ

дейди Хонка туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа ҳўжалиги раиси Онабий Маъоринова. - Ҳўжалик аъзоларининг иш ҳақи наҳд пул билан ҳисоб-китоб қилиш имкони бўлмаган ҳолларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўланапти. Бундан ташқари касабда уюшма кўмитаси билан маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасига мувофиқ бошқа имтиёзлар ҳам яратилган. Ҳўжалик техника устхонасида механикаторлар, таъмирловчиларга бепул иссиқ оғмак берилаяпти. Механикаторларга махсус кийим-кечаклар тарқатилмоқда.

Биздан сўрабсиз

117 саволга жавоб

Касаба уюшмалари оммавий, ихтиёрий мустақил жамоа ташкилотларидир. Уларнинг фаолияти демократий, ошқоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид қилиш, жамоа раҳбарлиги асосида қўрилади. Касаба уюшмалари ўз фаолиятида ҳўжалик органларидан, сиёсий ташкилотлардан мустақил саналади. Республикадаги бошқа жамоа ташкилотлари билан муносабатларини бир-бирининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилиш, тенглик асосига қўради. Мамлакатимиз ҳудудидаги барча касабда уюшмалари Ўзбекистон касабда уюшмалари Федерацияси тузилмасига қиради ва Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларига, касабда уюшмасининг Уставига мувофиқ фаолият кўрсатади. Булар ҳақида янада кенроқ тушунарча эга бўлишда Ш.Бойқонов ва Р.Ўзметовларнинг «Бошланғич касабда уюшма кўмиталари учун 117 саволга жавоб» китобининг аҳамияти алоҳиддир.

Тармоқ ходимларининг тақлифига биноан саволларга жавобларни эълон қилаёмиз.

- 1-бўлим
УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР
1. Касаба уюшмаларининг мақсади нима?
Касаба уюшмаларининг асосий мақсади ўз аъзоларининг меҳнат ва иқтисодий-ижтимоий ҳаёт ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.
2. Касаба уюшмалари қандай тамойиллар асосида тузилади?
а) Барча касабда уюшмаси раҳбар органлари қуйидан юқоригача сайланади.
б) Касаба уюшмаси органлари ўз ташкилотлари ҳамда юқори касабда уюшмаси органлари олдидан вақти-вақти билан ҳисобот бериб турадилар.
в) Касаба уюшмаси ички интизомга риоя қилинади, ҳамда оҳчилик кўпчилиikka бўйсунлади.
г) Юқори касабда уюшмаси органларининг қарорлари қуйи касабда уюшмаси органлари учун мажбурийдир.
д) Барча ташкилотлар ва касабда уюшмаси раҳбарлари органлари ишидаги жамоатчилик ва қабул қилинадиган қарорлар ҳамда касабда уюшмаси топишириқларининг бажарилиши учун шахсий масъулиятини билдиради.
3. Касаба уюшмасининг асоси нима?
Бошланғич касабда уюшмаси ташкилоти.
4. Бошланғич касабда уюшмаси ташкилоти тузилиши қанча аъзо бўлиши керак?
Касабада уюшма ташкилоти тузилишида аъзоларининг туғри белгилаш, берилган ваколат ва имкониятлардан тўғри фойдаланиш, қолверса, меҳнат жамоаси аъзолари манфаатларининг устуворлигини тан оlishдadir.
Фикримча, бошланғич касабда уюшма ташкилотининг асосий вазифаси корхона, муассаса раҳбариятининг эътиборини ижтимоий масалаларга жалб этиб туришдан iboratдир.
Иш жараёнида, вазифаларни белгилашда корхона фаолиятининг хусусиятини инобатга олиш аилбатта керак. Айниқса, бизники каби тиббиёт муассасаларида. Чунки бюджетга қарам ташкилотларда, очиги, моддий-молиявий имкониятлар бир қадар чекланган бўлади. Шунга қарамасдан иш шариотини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида ҳамма ечим топши мумкин. Ахир, қаловини топсанг қор ҳам ёнади, дейдилар-ку!
Кўп йиллик иш тажрибамиз давомида фаолиятнинг энг мумим жиҳатлари нималигини ўргандик. Биринчи сабоқ шуки, ҳар бир ходимнинг бутун жамоанинг эҳтиёжидан хабардор бўлишга, маъмуриятнинг имкониятини тўғри баҳолашга иштирок этиши шарт. Шунинг билан бир қаторда энг жиддий масалалар ҳам ҳал этилади. Бошланғич ташкилотимизнинг иш режасини ёки муассасада жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқишда ана шу қоидага асосланамиз. Чунки ҳақойи режалар панд бериб қўяди...
Яқинда умумий йиғилишда жамоа шартномасининг бажарилишини муҳокама қилдик. Ҳар икки томоннинг ўз маъбурият-

Сирдарё «ЧАП автo» ассоциацияси жамоаси Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан меҳнат фахрийларига алоҳида меҳрибонлик кўрсатишга бел боғлади. Шу кўни Гулистон шаҳрида яшовчи қарияларга корхона йўловчи та-

ФАХРИЙЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

иш транспортлари бепул хизмат кўрсатадилар. Шунингдек, уруш фахрийлари, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига микроавтобусларда йил давомида текин юришлари учун гувоҳномалар тарқатилади.

Корхона жамоаси шаҳарда яшовчи барча аёлларни ўзларига қарашли транспортда 8 март кўни бепул юриш имконини яратиб беришган.

Меҳнат ва рағбат

ҚАДР ТОПГАН КИШИЛАР

«Ўзқурилишматериаллари» акционерлик концернига қарашли «Оҳангарон» акционерлик жамиятида олиб борилаётган ишлар, эришилаётган натижалар қувончлидир. 16 гектардан зиёд майдонда жойлашган акционерлик жамиятига қарашли ишлаб чиқариш цехлари орасталиги билан дарров диққатингизни жалб қилади. Дам олиш масканида 4,5 гектар жойда 13 кotteж типидagi уйлар қурилиши низоҳасига етмоқда. Яқин кўнларда эса 20 хонадонга мўлжалланган уй фойдаланишга топширилади.

«Бир неча йил илгари ишлаб чиқариш цехлари, умуман жамият ҳудуди бўйлаб уйилиб ётган ишлаб чиқариш чикиндилари кўкка ўрлаб ётган чанг-тўзон ҳар бир кишининг табиатини хира қиларди. Ҳозирги кўнда эса чикиндилардан фойдаланиш ишлари йўлга қўйилди. Жумладан шифер ва қувур ишлаб чиқаришда қўшиладиган асбозурит чикиндилардан иссиқлик тармоқлари қувурларини ўрашда ишлатилмоқда. Ҳар тоннаси 700 сўмдан сотилмоқда.

Акционерлик жамияти маркетинг ва ташқи иқтисодий алоқалар хизматининг оқилона ишлаши натижасида ўтиш даврида хорижий мамлакатлардаги ҳамкорлар билан ишлаш жараёни тобора кенгайиб бормоқда. Бунга «Кўстанайасбест» акционерлик жамияти билан ҳамкорликни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Утган йилда оҳангарондиқлар улардан 17 минг тонна асбест олишди. -Энг муҳими ўзаро ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилгани бoис хом ашё учун миллий валюта-мизда ҳақ тўланади.

Яқинда «Оҳангаронцемент» акционерлик жамияти бизга цемент беришни тўхтатиб қўйди, - дейди илгор ишчи. - Ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши бир-икки ойга чўзилиб кетиши мумкин эди. Қўл қовуштириб ўтирмадик. Уйлини изладик. Шундай ёни-миздаги «Кулоб» акционерлик жамиятидан 2000 тонна гипс сотиб олдик. Шунинг натижасида ишимиз тўхтаб қолмади. Энди Бухородан 5 минг тонна гипс келтирдик. Акционерлик жамияти ён кўшниси «Оҳангаронцемент»дан иссиқлик ва электр энергиясини олади.

Бир томондан мана шундай қучли қўшни билан ҳамкорлик қилиш яхши. Аммо, бозор иқтисодиёти шарт-шариоитларини ҳисобга олган ҳолда ўзимизда иссиқлик қурилмасини қураёلمиз. Бу ҳам тежамкорликка олиб келди, - дейди жамият раҳбари Муҳитдин Шаматов.

Шифер ишлаб чиқариш цехи қайтадан таъмирланмоқда. Узунлиги 300 метр, кенлиги 100 метр бўлган цехда Тошкентдаги «Техноло» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида шиферларни механик тах-лаш, ортиш, тушириш қурилмаси ишга туширилди. Илгари эса худди шундай қурилма Белорус республикасида келтирилди. Ишлаб чиқариш жараёни қайта таъмирлаш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ишчилар соғлигини сақлаш асосий омиллардир. Акционерлик жамияти меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг бошлиғи Фаридат Турсуновнинг бу каби ишлари доимий диққат эътиборда.

— Қаранг бу кийим-бошга, ҳа, ҳар қандай хорижий

ишчи ҳавас қилса арзийди, - дейди шу ерда 38 йилдан бери меҳнат қилаётган Александр Жаголев. Энг муҳими, ишчи-га гамхўрлик бу ерда биринчи ўринда туради. Овқат пули кейинги уч йилда икки марта ошди. Узимизнинг ёрдамчи ҳўжалиқдан сут келтирилади. Ҳар байрамда мукофот пули бериш анианага айланган.

Дарвоқе, А.Жаголев турмуш ўртоғи К.Хомутникова билан ҳар ойда 25 минг сўмдан маош олади. Уларнинг ўғиллари Владислав эса турмуш ўртоғи Марина билан 20 минг сўмдан маош олишмоқда. Бошқалар ҳам улардан қолишмайди. Ҳар бир ишчининг дала ҳовлиси бор.

Меҳнат фахрийси Улканбой Марасулов бу ерда 25 йилдан бери ишлайди. Яқинда аскарликдан қайтган Фарҳод ва Шерзодлар ҳам ота касбини эгалладилар. Улар 16 минг сўмдан маош олишмоқда. Агар қўлларидан бўлган 840 та акцияга келадиган дивидентларни қўшиб ҳисоблаганда 20 минг сўмдан ошиб кетади.

Ҳозирги кўнда жамоа ишчиларининг фаровонлиги кўндан-кўнга ошмоқда.

Мирза ҲАМДАМ, «Ишонч» муҳбири.



Таиланд

OLAMDA NIMA GAP

Б О Н Н. Косово можароси туфайли қочқинлар кўпайиб бораётгани муносабати билан Германия ўз ҳудудига қабул қиладиган қочқинлар сонини яна ошириши мумкин. Бу ҳақда Германия ички ишлар вазири Отто Шили маълум қилди. Германия ҳукумати бундан илгаридек ўн минг нафар қочқинга мамлакат ҳудудидан бошпана беришга розилик берган эди.

О.Шили айна пайтда қочқинларнинг асосий қўнимоҳига айланган мамлакатлар, хусусан, Македонияга кўрсатилмаётган ёрдамни ҳам кенгайтираётгани айтди. Германия ички ишлар вазириги маълумотига қараганда, ГФР сўнгги тўрт ой ичида Македонияга ўн икки миллион марказга тенг миқдорда инсонпарварлик ёрдами доирасидаги юкларни етказиб берган. Шунингдек, Македониядаги немис ҳарбийлари қочқинлар учун эллиқ мингдан ортиқ турар жой қуриб берган.

Д Е Х Л И. Ҳиндистонда ҳавонинг ўта қизиқ кетиши натижасида сўнгги кўнларда яна ўнга яқин киши ҳалок бўлди. Жами қурбон бўлганлар сони эса 73 тага етди. Мамлакат об-ҳавони кузатиш маркази вакиллари ўта иссиқ ҳарорат яна бир неча кўнга чўзилиши ва натижада қурбонлар сони янада ортиши мумкинлигини айтмоқда.

Айна пайтда айрим ҳудудларда иссиқ 50 даражача кўтарилган. Айниқса, мамлакатнинг шимол-ғарбий ва жанубий ҳудудлари аҳолиси жазирмадан кўп талофат кўрмоқда. Фуқароларга ўз вақтида ичмаллик суви етказиб берилмаётгани сабабли айримлар истеемол учун яроқсиз бўлган сувни ичиб, турли касалликларга чалинмоқда.

Пойтахт Деҳлида ҳам аҳвол яхши эмас. Мамлакат ҳукумати мактаблардаги дарсларни тўхтатиш ва ўқувчиларни икки ҳафта илгарироқ таътилга чиқаришга қарор қилди.

ри билан учрашади ва Буёк Британияда қабул қилинадиган қочқинлар сонини янада ошириш ва уларнинг яшаш учун шарт-шариоит яратиш борасида музокаралар ўтказди. Сўнгга у Руминияга боради. Бухарестда унинг мамлакат парламентида нутқ сўзлаши кўзда тутилган.

И С Л О М О Б О Д. Покистон сенатидagi муҳолифат партиялар вакиллари мамлакат Бош вазири Навоз Шарифнинг хорижий сафарлари учун давлат хазинасидан қанча маблағ сарфланаётганини танқид қилди. Маълум бўлишича, Н.Шариф Бош вазирилик лавозимига ўтиригандан буён 39 бор хорижий сафарга чиққан. Бунинг учун давлат хазинасидан 170 миллион рупий сарфланган. Бунга Бош вазирининг ўтган ойда Россия ҳамда Албанияга қилган расмий таширифи харажатлари ҳали киритилмаган. Таширифи давомида Н.Шарифга ҳамроҳлик қилаётганлар сонининг кўплиги ҳам сарф-харажатлар ошиб боришига сабаб бўлаётган экан.

Р И М. Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, косоволик қочқинларга кўрсатилмаётган инсонпарварлик ёрдамнинг қиймати икки миллиард АҚШ долларига етиши мумкин. Бу эса Болкон минтақаси давлатлари ва уларга қўшни мамлакатлар ялпи миллий маҳсулоти ҳақмининг икки ярим фоизини ташкил қилади. Италия пойтахтида Албания, Болгария, Венгрия, Греция, Италия, Македония, Руминия ҳамда Туркия вакиллари иштирокида бўлиб ўтган мажлисда бу ҳақда маълум қилинди.

Ушбу тадбирда мазкур мамлакат ташқи ишлар вазириларининг ўринбосарлари иштирок этиб, косоволик қочқинларга ёрдам кўрсатишни янада фаоллаштириш борасида ўзаро фикр алмашди. Мажлисда Европа комиссиясининг инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи вакиллари ҳам иштирок этди. (ЎЗА)

Шарқда азал-азалдан бозор ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг аҳолини акс эттирувчи маскан ҳисобланади. Бозорларнинг кўплиги, уларда маҳсулот сероблиги дастурхон тўқинлигидан далolatдир.

Мазкур масалага ҳукумат даражасида эътибор берилаётгани ҳам шундандир. Кейинги йилларда Самарқанд вилоятида ҳам бозорлар қуришга, мавжудларини таъмирлашга ва кенгайтиришга, фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, вилоят кўпгина бозорларининг, хусусан, Сиёб, Каттакўрган, Пайшанба ва бошқа бир қанча бозорлар ўтмиши Буёк Ипак йўли тарихига туташиб кетади. Бозор тўқинлик рамзидир. Халқимизда «Бозор борнинг баракаси бор», деган нақл беҳиз айтилмаган. Барака эса ҳалол савдодан, бировнинг ҳақиқа хиёнат қилмаслиқдан келади. Афсуски, кейинги пайтларда бозорда савдо қилаётган айрим шахслар фирромликка, харидорларни алдашга муқкасида кетишмоқда. Бундай ҳолларга дуч келганда «Бозорларнинг кўнда-шунда аҳли савдоси инсофни ҳам сотиб юбормаптими?» деган ҳаёлга борасан, киши. Бозорлар раҳбарлари, мутасаддилар эса уларга қарши кескин чоралар қўришга шошилмаяптилар. Ҳолбуки, Вазиран Маҳкамасининг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорлар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги, 1998 йил 16 майда қабул қил-

ТУШУМ ҚАЁҚҚА ТУШАЯПТИ?

линган «Бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган чоратадбирлар тўғрисида»ги, 1998 йил 4 сентябрдаги «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида бу ерларда юз берадиган қонунбузарликлар учун бозор раҳбарлари ва мутасаддилар жавобгар эканлигини аниқ белгилаб қўйилган. Шунга қарамасдан баъзи жойлардаги раҳбарлар ўз ҳудудлари ва тасарруфларидagi бозорларда катъий тартиб ўрнатилишига эришмаётдилар. Оқибатда айрим шахсларнинг ҳуж-

нега бу маблағлар бюджетта тўпаяпти? Асосий гап паттачиларнинг ўз ҳаёнини тўндиришга уринаётганида, бозор маъмурилари эса бунга йўл қўйиб бераётганидир. Масалан, Каттакўргон туман «Тайшанба» деҳқон бозорига қарашли «Андоқ» бозори паттачиси Н.Жонзуюв ўзининг «Андоқсой» шахсий корхонасида патта ясаб, бозорда тарқатилган патта пулини ўз корхонаси ҳисобига ўтказган. Шу бозорнинг «Мойбулоқ» бўлими паттачиси С.Турсунқолов эса 6484 сўмини жигилдонга уришни кўзлаётганда кўлга тушди. Ургут туманидаги «Жартепа» бозориди ҳам шундай ҳолга дуч келинди. Хуллас, тегишувлар жараёнида шунга ўхшаш 23 ҳолат қайд этилиб, 19 нафар мутасадди ходимга нисбатан тегишли чора қўрилди. Ҳўш, бундай аҳоли қачонгача «давом этади»? Ҳукумат қарорлари бажарилишини ким таъминлайди? Давлат хазинасига тушиши керак бўлган тушумлар ҳисобига, фирром йўл билан чўнтак қаппайтираётган шахсларга нисбатан муро-сасиз чора қурайдиган фурсат аллақачон етганини унутмаслик лозим.

Бозорда фаолият кўрсатган фуқаролар негача бу маблағлар бюджетта тўпаяпти? Асосий гап паттачиларнинг ўз ҳаёнини тўндиришга уринаётганида, бозор маъмурилари эса бунга йўл қўйиб бераётганидир. Масалан, Каттакўргон туман «Тайшанба» деҳқон бозорига қарашли «Андоқ» бозори паттачиси Н.Жонзуюв ўзининг «Андоқсой» шахсий корхонасида патта ясаб, бозорда тарқатилган патта пулини ўз корхонаси ҳисобига ўтказган. Шу бозорнинг «Мойбулоқ» бўлими паттачиси С.Турсунқолов эса 6484 сўмини жигилдонга уришни кўзлаётганда кўлга тушди. Ургут туманидаги «Жартепа» бозориди ҳам шундай ҳолга дуч келинди. Хуллас, тегишувлар жараёнида шунга ўхшаш 23 ҳолат қайд этилиб, 19 нафар мутасадди ходимга нисбатан тегишли чора қўрилди. Ҳўш, бундай аҳоли қачонгача «давом этади»? Ҳукумат қарорлари бажарилишини ким таъминлайди? Давлат хазинасига тушиши керак бўлган тушумлар ҳисобига, фирром йўл билан чўнтак қаппайтираётган шахсларга нисбатан муро-сасиз чора қурайдиган фурсат аллақачон етганини унутмаслик лозим.

қоидабузарлик қилишмоқда? Бизнингча, бунинг сабаби бозор маъмурилари ва мутасаддиларнинг манфаатпарастлигидадир. Улар тартиб ўрнатиш учун жим қойишмаяпти. Солиқ ходимлари томонидан ўтказилган тегишли ҳужжатлар Оқдарё туман деҳқон бозориди патта пули йиғими 37225 сўмга, Ургут туманидаги «Деҳқонбод» бозорида 14800 сўмга, Ургут «Янги» бозорида 128500 сўмга ошган. Шу йил 4 апрелдаги тегишувларда вилоятдаги барча бозорлар бўйича патта йиғими ўтган йилники шундай деярли нисбатан 566,2 минг сўмга кўпайган. Бу эса давлат хазинасига тушиши керак бўлган пуллардир. Ҳўш,

МАКТУБЛАРДА ҲАЁТ НАФАСИ

Ҳар куни тахририятга газетхонлардан турли мавзуларда ёзилган хатлар келади. Турли тақдир эгаларининг қалб кўри билан ёзилган сатрларда жўшқин ҳаёт нафаси кўзгудагидек акс этиб туради. Айниқса кун сайин нуфузи ортиб бораётган касаб уюшмалари фаолиятига доир мактублар талайгина. **Зеро, фуқаролар ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ҳимояси** бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарброк аҳамият касб этаётир. Шунингдек, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, кишлоқ ва халқ хўжалиги ва бошқа соҳалар камраб олинган хатлар ҳам эътиборга моликдир.

Хуллас, апрел ойида тахририятимиз почтасига 522 та хат келди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпдир. Тахририятга сим кокиб мурожаат этувчилар ҳам кўп. Ана шундайлардан 68 нафари ўз саволларига тегишли жавоб,

маслаҳатлар олдилар.

Кўпгина газетхонлар эса меҳнат ҳуқуқий меъёрларига эҳтиёж сезиб мурожаат қиладилар. Шу муносабат билан уларнинг хатлари асосида «Биздан сўрабсиз» рунки остида ҳуқуқшуносларнинг жавобларини мунтазам бериб боришга ҳаракат қилаймиз.

Бирок айрим муаллифлар аниқ далилларга асосланмаган шикоятлар жўнатишади. Бу эса ортикча суриштирувларга, кимматли вақтнинг йўқотилишига сабаб бўлади. Гоҳо баъзи шахсларга юрагининг бир қатида бекиниб ётган фиску-фасод қалам тутқизган холлар ҳам учраб туради. Табиийки, бу каби тўхмат билан ёзилган ҳар қандай хат ўз тасдиғини топмайди...

Куйида газетхонлардан олинган айрим мактубларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Савоб

Чирчиқ шаҳридаги 14-меҳрибонлик уйда ҳозир 65 нафар ўғил-қиз тарбия топмоқда. Бу болалар масканида барча кулай шарт-шароитлари муҳайё қилиш йўлида тadbиркорлик билан иш юритилмоқда.

Шу йилнинг ўзида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига кўплаб совға-саломлар берилди. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда корхона, муассаса, турли ташкилотлар ўз амалий ёрдамларини амаёттирлар.

— Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ҳам ҳиммат кўрсатди, дейди меҳрибонлик уйи директори В.Д.Цой. — Бу ташкилот инсонпарварлик ёрдами тариқасида маблағ

ўтказди. Уни дори-дармонлар сотиб олишга сарфлади.

Чирчиқдаги «Бахт»

бўлими саъй-ҳаракати билан бу хайрия тadbирини амалга ошади. Бундай муолажа учун

ажратилган навбатдаги маблағга болаларга ички кийимлар, юмшоқ жиҳозлар сотиб олди.

ги машинасозлиги» ҳиссадорлик жамиятининг болалар оромгоҳига ҳам бир неча болани юборамиз.

Шу кунларда меҳрибонлик уйини тубдан таъмирлаш ишларини олиб бориш тарафлари кўрилмоқда. Бунёдкорлик ишлари ҳам оталиқ ташкилотлари бўлган саноат корхоналари ёрдами билан олиб борилади. Жумладан, «Чирчиққурилиш» корхонаси бино товларини ёпиш учун 600 та шифер ётақазиб-берадиган бўлади.

«Чирчиққурилиш» жалигимашинасозлиги» корхонаси ошхона мизини таъмирлаш учун 250 минг сўм пул ажратди.

Ақбар АЛИЕВ.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

ҳиссадорлик жамияти ҳам бизга яқиндан ёрдам бериб турибди. Тарбияланувчиларни оёқ кийимлари билан таъминлашда ҳам жамият ҳиммат кўрсатди. Шу мақсадда 130 минг сўм сарфланди.

Ҳар сафаргидек, бу йил ҳам кўпчилик болаларга Семашко номидаги даволаш муассасасига йўланма берилди. Чирчиқдаги шаҳар касалхонаси болалар

800 минг сўм пул ажратилди.

Ҳа, айтгандай, меҳрибонлик уйи яқинда янги енгил автомашинага ҳам эга бўлди. Тошкент халқ таълими бошқармаси ҳисобидан берилган бу машинадан тиббий хизмат кўрсатишда фойдаланилади.

«Соғлом авлод учун» республика жамғармасидан ҳам мамнунмиз. Жамғарма томонидан

Бу йил ўғил-қизларнинг ёзги таътиллари мароқли ўтади. Тарбияланувчиларнинг ҳаммаси болалар оромгоҳларида ёз гаштини суради. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан ажратилган маблағ билан бундан ташқари «Чирчиққурилиш»

...Газетхон юрак сўзи

ГЎЗАЛ

У ҳақиқатдан ҳам гўзал эди. Ҳамма уни ширин, шакар, асал қиз деб эркатларди. Шундай мактовлар, ҳамду-санолар таъсирида эрка, тантик бўлиб ўсди. Вояга етгач, бўлажак кўвни танлашда шошилмади. Кўп совчилар эшигининг турмуни бузишди, лекин ҳуқуқ қайтишди. У ҳамон гўзаллигидан масрур эди. Йиллар ўтди. Аста-секин сўраб келувчиларнинг сони камайди. Унга оғиз солганлар аллақачон икки-уч болали бўлишди. У эса ҳамон гўзал, мағрур. Охири ҳеч ким сўрамай қўйди. Энди олдинги хуш қомат, моҳи чеҳрали қиз ўрнида тўладан келган, вазмин аёл тақдир чоррахасида қабқаб боришни билмай гангиб турарди. Атрофида ҳаёт қайнабди. Лекин у кимга кераклигини билмай жони ҳалак. Нима бўлгандаям эндиликда у бахтли лаҳзаларни кўлдан чиқарганини кеч бўлсада, англаб етди. Бирок... Унинг хаёлида битта фикр чарх урарди. Қолганлар ҳам у йил қўйган хатони такрорлашмасин? Шундай қизларга: «Бахтининг кўлдан бой берма, жон синглим», - дегиси келади.

Х.ЭҒАМОВ.

... хабару ХОТИРА ТУРНИРИ

«Поп пахта толаси» ҳиссадорлик жамиятида спортни ривожлантириш бўйича касаб уюшма кўмитаси томонидан тadbирлар ишлаб чиқилган. Яқинда корхонада бахтсиз ҳодиса туфайли ҳаётдан эрта кетган Зулфия Расулова, Геннадий Ли, Валижон Мирхамидов, Махмуджон Мусурмонкулов, Шавкат Отақуловлар хотирасига бағишлаб «Хотира турнири» бўлиб ўтди.

Волейбол бўйича ўтказилган бу мусобақада корхонанинг ўн иккита гуруҳи ўзаро мусобақалашди. Қизгин беллашувлар остида ўтган мусобақаларда «Ёнгина қарши кураш бўлими», «Ишлаб чиқариш бригадалари», «Таъмирлаш бўлими» командалари фахрли ўринлар соҳиби бўлишиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Мавлуда АҲМЕДОВА.

... Эътирози ҚАЧОНГАЧА МАОШСИЗ ИШЛАЙМИЗ?

Биз Олмалиқ шаҳар сувсозлари (водоканали)

Сартамғали хўжалиги ишчилари ўтган йили ноябрь ойидан бўён маош олмай келаямиз. Бу ҳам етмагандек, зарарли жойларда ишлаётганлар учун берилган имтиёзлар ҳам йўққа чиқди, яъни санаторий-профилакторийда дам олишдан маҳрум бўлдик.

Шу адолатданими? Қачонгача сабр қилишимиз керак?

У.Мирзаахмедова, К.Юсубалиева, Т.Саримсоқова, А.Қосимов, Қ.Исҳоқов ва бошқалар. Жами 26 имзо.

... таклифи ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Она табиятни асраб-авайлаш, атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалардан ҳимоя қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси бўлиб турибди. Жойларда ўтказилган текширишлар кўп жойларда бу талабга амал қилинмаётганини кўрсатди.

Касби туман табиятни муҳофаза қилиш кўмитаси ходимлари жорий йилнинг биринчи чорагида тегишли қонунларнинг ижроси юзасидан ташкилот, корхона ва жамоа-ширкат хўжалиқларида бўлдилар.

Текшириш жараёнида С.Насарий номли кооператив (ширкат) хўжалиги, «Маймак» жамоа-ширкат хўжалиги, туман умумий овқатланиш корхонаси ва бошқа жойларида ютуқлар билан бирга жиддий камчиликлар ҳам борлиги аниқланди. Жумладан, уларда атмосфера ҳавосига чиқариладиган захарли моддалар меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, саноат, машина чикиндиларини табиий муҳитга жойлаштириш ва зарарсизлантириш руҳсатномалари ҳам тўлиқ олинмаган. Бу камчиликларни тезда бартараф этиш ҳақида юқоридаги ташкилотлар раҳбарларига мuddатли кўрсатмалар берилди.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузган 6 нафар мансабдор шахсга нисбатан жарима солинди. Ундириб олинган 14160 сўм жарима давлат хазинасига кириб қилинди. Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш қонунининг бажарилиши юзасидан туман прокуратураси билан ҳамкорликда ўтказилган текширишда 2 та қонунбузиш ҳолатлари кайд этилди. Касби-Қарши йўлининг муҳофаза зонасидаги ихота дарахтларини ўзбошимчилик билан кесганликлари ва шу билан она табиятга завоул етказганликлари учун фуқаролар-

дан К.Мавлонов, Ф.Сафаровларга 65 минг 120 сўмлик жарима белгиланди.

Кўмида ходимлари назорат тартибда ўтказилган текширишлар таъсирчанлиги ва самардорлигини ошириш, айбдорларга нисбатан чоралар қўриш юзасидан белгиланган тadbирлар ижросини қаттиқ назорат қилмоқдалар. Табиатни муҳофаза қилиш қонунини бузганликлари учун Э.Тожиёв, Б.Ғаниев, Ж.Холматов, У.Шодмонов сингари фуқароларга нисбатан жарималар белгилаб, уларнинг ҳар биридан 2000, 3000, 3960 сўмдан жарима ундирилди.

Жўра ЮСУПОВ.

... муносабати АЁЛ БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

Куни кеча Юқори Чирчиқ тумани маркази Янгибозор кўрғонидидаги «Нуриддин Охун» чойхонасида «Аёл билан мунаввар олам» мавзусида тadbир бўлиб ўтди.

Тadbир туман ҳокимлиги ва «Камолот», «Нуроний» «Қизил Ярим Ой» каби жамоат ташкилотлари ҳамда Ўз ХДП туман кенгаши, туман тadbиркорлар касабга кўмитаси ташаббуси билан ўтказилди.

Ушбу тadbирга тумандаги иккинчи жаҳон урушида иштирок этган аёллар ва фронт орқасида меҳнат қилган фахрий аёллардан 40 нафари тақлиф этилди.

Фахрий аёллардан Бахринос Пардахўжаева, Муниҳсон Ғулабўжаева, Иззат Султонова, Раҳима Давилова, Ўғилбиби Миртурсуновалар оғир уруш йилларидаги машаққатли меҳнат фаолиятлари ҳақида йиғилганларга сўзлаб беришди.

Қизиқарли ва мароқли ўтган ушбу тadbирга «Нуриддин Охун» хусусий ошхонаси, Абдусаттор Курбонов раҳбарлигидаги «Иброҳим ЛТД» ҳамда Шура Пак раҳбарлигидаги «Шодлик» хусусий дўконлари ҳомийлик қилишди.

Шунингдек тумандаги «Бахт» гуруҳи аъзолари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан кечага файз бағишладди.

Л.МАНСУРОВ, Юқори Чирчиқ тумани.

Бир хат узидан ҒАРАЗЛИ ШИКОЯТДАН КИМГА НАФ?

Тахририятимизга Сарийосиё туман халқ таълими бўлимига қарашли ёш техниклар ижодиёти бўлимида ишлаётган Ражаб Ниёзовдан шикоят хат келди.

Мактубда жумладан шундай дейилади. «Мен 1991 йилдан то 1997 йилгача фильмотека мудирин эдим. Ўз зиммамдаги вазифаларни доим бажариб келганман. 1996 йилнинг ноябрида фильмотека раҳбарлиги аттестациясидан ҳам ўтдим. Бирок... туман халқ таълими бўлими мудир Адҳам Сафаров билан ўзаро тортишиб қолдигу, можаро бошланди. У киши фильмотека бўлими ходимлари устидан гийбат уюштириб, шахсиятимизга тегмоқда. 1997 йилнинг сентябрида халқ таълими бўлимида аттестация, кредитация бўлими очилишини ваъда қилиб, икки штат бирлигини тортиб олди. Аммо ўша йили мазкур йўналишда ҳеч бир ўзгариш бўлмади... биз эса ходимларимиз билан ишсиз қолдик...»

Ушбу шикоят юзасидан Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Бобораҳим Мирзаевага учрашганимиздан сўнг кўп нарса ойдиналашди.

— Ражаб Ниёзов бир неча нуфузли идораларга шу ҳақда шикоят қилмоқда, - дейди у. - Аммо унинг даъволари тасдиқланмади. Унинг ўзи ҳам, ходимлари ҳам тўлиқ штатда ишлашмоқда...

Шундан сўнг бошқарманинг масъул ходими Б.Пирназаров билан Сарийосиё туман халқ таълими бўлимига, сўнг ариза муаллифи Ражаб Ниёзовга учрашиш учун бордик. Аммо у киши бизга рўбарў бўлишдан қочди. Оила аъзоларидан сўраганимизда аввалига: «Термиз шаҳрига кетган, эртасига Боботоғга кетгандилар, дейишса, учинчи кун илқа қисиб «билмасак»дан нарига ўтишолмади. Кейин хатда номлари келтирилганлардан бири Сарийосиё туман халқ таълими бўлими услубчиси Ғайбулла Насруллаев билан учрашдик.

— Мен 1994 йил 2 январдан бошлаб фильмотекада услубчи бўлиб ишлар эдим. Аммо 1997 йил октябрида иш ўрнимиз қисқариб кетди. Ишсиз қолмадим. «Ёш сайёҳ ва ўлкашунослар қароргоҳи»да услубчи бўлиб ишлаб келмоқдаман. Давоим йўқ. Шикоят ёзмаганман, - дейди у.

— Мен Рустам Ниёзов. Тўғриси мен отам Ражаб Ниёзов раҳбарлик қилган фильмотека бўлимида шифер бўлиб ишладим. Иш ўринларимиз қисқарди. Асл мутахассислигим ҳисобчи. Аввалига мудир Адҳам Сафаров тавсия қилган ишга бормадим. 1999 йил 22 февралдан бошлаб ўқувчилар техник ижодиёти марказидаги фильм тахриричиси лавозимида ишлаб келмоқдаман.

Бундан ташқари, шикоятда номлари келтирилган, ҳозирда ногиронлиги туфайли нафақага чиққан Ғавҳар Бобоқулова ҳам шикоят хати ёзмаганлигини айтди.

Ражаб Ниёзовнинг ўзини эса топа олмадик. Қолаверса, у киши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 июлдаги 358-сонли қарори ҳамда Сурхондарё вилоят ҳокимининг 1997 йил 20 октябрдаги 165-сонли фармойиши асосида Сарийосиё туман халқ таълими бўлимига қарашли марказ тугатилганлиги билан ҳам яқиндан таниш эди-ку! Қолаверса, Р.Ниёзовнинг розилиги ва ўз аризасига биноан ўқувчилар техник марказига 0,5 тариф ставка штат бирлиги бўйича методист вазифасига ўтказилган-ку! Иш ўрнига фиску-фасод билан юмалоқ хатларни турли ташкилотларга ёзаверишдан унинг мақсади нима экан?

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.



Насибохон Мирзажоновна Янгиқўрғон туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги хотин-қизлар кўмитасига раислик қилади. У доимо одамлар орасида бўлади. Далада меҳнат қилаётган, уйда фарзанд тарбияси билан шугулланаётган хотин-қизлар ташвиши-қувончига ошно. Аёлларга иш жойларида барча шароитларни яратиб бериш учун қайғуради. Айниқ-

са ёшлар тарбиясига эътибор билан қарайди. Шунинг учун бўлса керак, хўжалик хотин-қизлари ўзларини ўйлантираётган масалалар, муаммоларни унга айтишади. **Суратда: Хотин-қизлар кўмитаси раиси Н.Мирзажоновна ёшлар билан суҳбатлашмоқда.**

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Ўзбекистон темир йўллари» ва «Ўзбекистон почтаси» раҳбарлари диққатига!

МУШТАРИЙЛАР ГАЗЕТАНИ НЕГА КЕЧИКИБ ОЛИШМОҚДА?

Зафаробод туманида бир танишим бор. Ўзи оддий дехон, лекин газета ўқишни қанда қилмайди. Ана шу танишим ҳар гал мен билан учрашганимда, салом-алиқдан сўнг шундай дейди:

— Илгарилари газеталарни ҳар куни куннинг биринчи ярмида олардик, энди эса, иккинчи ярмида ҳам, эртасига ҳам ўқий оламаймиз. Яқинда мен кутган ҳужжат эълон қилинибди. Айни ўша пайтда чироқ ўчиб, телевизор кўролмадик. Почтага борсам, газеталар кечга яқин келади, дейишди.

Танишимнинг шу гаплари сабаб бўлиб, Жиззах вилоятига газета-журналларнинг қандай келтирилиши билан қизиқдим. Ҳар кун эрталаб «Тошкент-Ховос» поездида Жиззах вокзалига келтириларкан. Барча туман почта идораларининг вакиллари газета-журналлар, хат-хабарлар, посылка ва

бандеролларни шу жойдан олиб кетишар экан.

Темир йўл вокзалида Мирзачўл тумани почта идорасигача 70 километр, Дўстлик, Арнасой, Пахтакор, Зафаробод ва Фаллаорол туманларигача 50-60 километр. Зомин ва Янгиобод туманларига бундан ҳам узоқроқ.

Почта ташувчилар туманлардан келишиб, вокзал яқинидаги «Кўк бозор» бека-тида тушишади. Сўнг бир километрдан зиёдроқ масофани пиёда босиб, вокзалнинг тарқатув хона-сидан почтани қабул қилиб олишади. Ана шу зилдек юк билан яна ўша бекатга келишиб, туманларга жўнайдилар. Бу ҳол йил - ўн икки ой шундай давом этади. Шунинг учун ҳам ту-

ман почта бўлимларида ташувчилар тез-тез алмашиб туради.

Демак, почта йўловчи машиналарда ташилар экан, уларга қандай ҳақ тўланади?

Дўстлик туман почта бўлими ташувчисига ҳар куни 350 сўм йўл ва овқат пули берилади. У эрталаб юқорида айтилган поездга чиқади-да, Жиззах вокзалигача 60 сўм тўлайди. Вокзалда туманга тегишли почтани қабул қилиб, Дўстликка қатновчи митти автоулову ўтиради. Бу автоулов ҳайдовчисига уни 180 сўмдан камига ўтказмайди. Базан юки кўпроқ бўлиб қолса (журналлар келганда), бунинг учун ҳам пул тўлайди.

Оқибатда ишхонадан оладиган пулига туш-ли учун ҳам орттиролмайдди.

Шунга қарамай, та-ши ҳақи корхонадан ойига 7 минг сўмга, йилига 84 минг сўм-

га тушмоқда. Жиззахдан узоқроқ туманлар почта бўлимига эса 100 минг сўмдан ҳам ошмоқда. Бунга ташувчиларнинг ҳар ой оладиган 5 минг сўм маоши ҳам қўшилса, 160-170 минг сўмга етади.

Шундай экан, туманларга почта юкларини келтиришининг бошқа йўли йўқми?

Поезд Тошкентдан чиқиб, Ховосга йўл оларкан, Жиззах шаҳрига етгунча Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор туманларидан ўтади, Жиззахда ярим соатча тургач, Зарбдор ва Янгиобод туманлари орқали Ховос шаҳрига кетади.

Ҳар бир туманга тегишли почта юклари Тошкентда ажратиб, махсус манзил ёрликлари ёзилиб жўнатилади. Шундай бўлгач, поезд Мирзачўл туманида ҳозирги уч дақиқа ўрнига беш дақиқа тўхтаса, туман почтасини тушириб қолиш, жўна-

тиладиганларини ор-тиб юбориш мумкин. Дўстлик темир йўл бекатида шу туман ва Арнасой туманига (ораси 14 километр) тегишли, Пахтакор бекатида Пахтакор ва Зафаробод (ораси 16 километр) туманларига тегишли почта юкларини қолдириш мумкин. Бу билан нафақат ташувчиларга қулайлик яратилади, балки газетхонларга ҳам ҳурмат кўрсатилган бўлади. Почта бўлимларининг пули тежжалади. Дурустроқ ҳисоб-китоб қилинса, обуна нархи ҳам арзонлашади.

Булардан ташқари, Жиззах шаҳрида почтани қабул қилиб, туманларга тарқатувчилар меҳнати ҳам енгиллашади. Шунда улар фақат Жиззах шаҳри, тумани, Фориш, Фаллаорол ва Бахмал туманларига тегишли почтани қабул қиладилар. Зарбдор, Зомин, ва Янгиобод туманларига

тегишли почта юк-лари эса, поездининг бундан кейинги бекатларида тушириб олинади. Бунинг учун «Ўзбекистон темир йўллари» Тошкент бўлими ва «Ўзбекистон почтаси» раҳбарлари бир қарорга келишса, бас!

Бу - журналист сифатида менинг таклифим эмас. Илгари газета-журналлар, умуман, почта юклари худди ана шу тартибда етказиб бериларди ва шу боис почта хизматига эътирозлар бўлмасди.

Айтганча, вилоят газеталари бор, уларни ҳам олиб кетиш керак-ку, дерсиз. Бунинг учун Жиззах вокзалига эрталаб соат саккизда келиб тўхтайдиган «Тошкент-Қўнғирот» поезди айна мuddао.

Келдир ЖўРАҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири.

СПОРТ БАЙРАМИ

Гулистон шаҳрида халқ таълими ходимлари ўртасида ажойиб спорт байрами бўлиб ўтди. Туманлар, Гулистон, Янгиер, Ширин ва Сирдарё шаҳар халқ таълими ходимлари ушбу спартакиадада ўзаро куч синашишди. Беллашувлар беш турдан: волейбол, шашка, стол тенниси, енгил атлетика ва оилавий эстафеталардан иборат эди. Халқ таълими ходимлари ҳам ҳар жабҳада бошқалардан қо-

лишмасликларини бу ерга йиғилганларга намойиш этди. Умумжамоа ҳисобида Гулистонликлар биринчиликини кўлга киритишди. Айниқса аёллар ўртасида шашка бўйича ўт-казилган беллашувлар қизгин кечди. Сайхунобод туманининг 29-макдан бошланғич синф ўқитувчилари Дилафруз Ортиқова ҳамда Ойдин Худойкуловлар биринчи ўринни банд этдилар. Янгиер шаҳри 5-мактаб ўқитувчиси Н.Кудра-



Х. АБДУЛЛАЕВ. Фурқат ТОШМАТОВ олган суратлар.

това эса енгил атлетика баҳсларида ҳаммани доғда қолдирди. Оилавий эстафета ҳам жуда чиройли ўтди. Бу эстафета баҳсларида Шароф Рашидов тумани 12-мактабнинг фахри, мураб-бия Юсуповлар оиласи голибликни кўлга киритишди. Стол тенниси баҳсларида 15-мактаб ўқитувчилари Э.Бакирова ва Р.Аблаевларга тенг келадигани топилмади. Қизиқарли баҳс-мунозараларга бой бўлган спартакиада голиб ва совриндорларига вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят халқ таълими ходимлари кассаба уюшмаси кенгаши томонидан қимматбаҳо совринлар ва эсдалик совғалари топширилди.



Х. АБДУЛЛАЕВ. Фурқат ТОШМАТОВ олган суратлар.

Ишонч телефонлари

Анджон вилоят ҳокимлигининг қарорига мувофиқ текширишларни тартибга солиш, назорат қилиш, текширишлар ўтказишда кенг ошқораликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, асоссиз ўтказилаётган текширишларга чек қўйиш мақсадида вилоят маркази - Анджонда ишонч телефонлари ўрнатилди.

Бунинг учун ташкил этилган махсус штат зиммасига олинаётган шикоят ва хабарларни рўйхатдан ўтказиш, ҳудудий вилоят комиссиясига ўз вақтида етказиш, қонун ҳужжатларини мунтазам бузаётган назорат органлари ва мансабдор шахсларни аниқлаш, шикоятларни таҳлил қилиш ва умумлаштириб ахборотлар тайёрлаш, шунингдек, тартибга шиллоқ равишда ўтказилаётган текширишларни комиссия қарори асосида тўхтатиш тўғрисида тегишли кўрсатмалар тайёрлаш каби вазифалар юклатилди.

Вилоят, шаҳар ва туманлари ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган ҳудудий комиссиялар қошида ҳам ана шундай телефонлар ишлай бошлади.

Исход

Совуқда анча йўл юриб келгани учунми, эшикни очиши билан юз-кўзига гўп этиб урилган ҳароратдан бутун вужуди эриб кетгандек туюлди. Бир уйқуни уриб қўйган болалар оталари кирганини ҳам сезишмади. Мардонкул пайпаслабди бориб, деворга такаб қўйилган хонтахта юзасини хира ёритиб турган лампа пилигини кўтарди. Чўнтагидаги шишани кўйиб, ликопча ёпилган қоса ёнбошига бармоқларини текказди: совиб қолибди.

Анчагина ўтириб қолибмиз-да,- ўйлади у кўзлари галати сузилиб.- Ҳазир алламбало кино эканми! Ҳойнаҳой тонготар ўтиришди-ёв. Агар уйда хотиним йўқ, меҳмонга кетган, болалар ёлғиз демасам, менга ҳам жавоб йўқ эди...

Шу пайт энг кичиги гингишиб, кўрпани тепиб юборди. Мардонкул унинг устини ёпиб улгурмаган ҳам эди, катта қизи Хонима бетоқатланиб... ёнбошига ағдарилди. Мардонкул... томоғи қуриб, пиёлага ёпишди. Битта кўтаришдаёқ ичиб юборди. Кўз ўнги ёришиб, яна бояғи тасмадаги манзаралар бир-бирини қувалашиб ўта бошладилар. Ана, эшик очилиб... уйга ҳушқомат бир йигит кириб келди. Эндигина ваннадан чиққан соҳибжамол алланарсалар дея девор соатга ишора қилди. Жазмани гўё узр сураган бўлиб, чўнтагидан тилла балдоқ олди. Хоним нозлини кўларини узатди - оқ чойшаб сирғалиб оёқ остига тушди...

Тугша нималар кирмайдими. Сув олгани ариқ бўйига чиққан Хонима пага-пага булутлар орасидан кимдир унинг номини айтиб қақираётганлигини эшитиб, ҳайрон бўлди. Қараса, эртақларда тасвирланган шаҳзодалардек сўқсур бир йигит кўз илғамас нарвондан аста тушиб келаётди. Нахотки толе деганлари шу бўлса? Йўқ, асло! Йигит яқинлашган сари бадбашара тус олиб, сўнг йириқчи қиёфасига кирибди. Хонима қочай дермишу аллақандай чирмовиклар этакларидан тутиб, қилми этгани кўймашиш. Охири қиз дод солибди, бироқ уни ҳеч ким эшитмабди, ҳатто ўзи ҳам.

Учир овозини, бақирма! Хониманинг кўзлари очилиб кетди. Аввалига ҳеч нарса тушунмади. Тепасида отаси ўтирарди. Овозини чиқара кўрма! - яна хириллаб деди Мардонкул бир кўли билан қизнинг оғзини босар экан. - Агар чўр этсанг, ўлдираман. Хонима ичидан нимадир чирган индекс узилди кетганлигини сездди. Худди ақли билан қалби бир-биридан яшин тезлигида йириқлашиб бо-

мананганди, Мардонкул баттар яқши кўриб кетгандек яппоқланди: менга шуниси ёқади, ҳеч ким бизга ҳалал бермайди...

Орадан беш-ўн кун ўтиб, агар истасанг қариндошлариникига бориб, юрагингни ёзиб келатди, дея хотинининг раъйига пешкашлик қилди. Онанинг яна меҳмонга отланганини кўрган Хонима унинг пинжига тикилди.

Мен ҳам борай. Аммо она қизининг бу қилигини болаликка йўйди. Сен кетсанг, отангга, укаларингга ким қарайди, деди у аччиқланди. Сўнг-ра эрига танбёх берди. Сиз ҳам барвақтроқ қайти-нг, хотиним йўқ экан деб кўча изғимай. Қизингизни-нг ҳам бўйи етиб қолди.

Мардонкул хотинини катта йўлга қузатиб чиқди. Қайтишда дўконга кириб, бир шиша ароқ сотиб олди...

Мана бу суд ҳукми билан танишганимизга ҳам кўп бўлган йўқ. Ҳўки, тўриси, кўзларимизга ишонмадик. Нахотки бандаси шундай номаъқулчиликларга қодир бўлса, дея ёқа ушладик. Ахир ўз жигарбанди - ўз қизини-я!...

Дилрабо Носир ақанинг бешиччи фарзанди. Бир қизини турмушга чиқарган, икки ўғлини уйлантирган. Баъзан неваралар йиғилса, уй бозор бўлиб кетарди. Қайси бирлари невараларинини, фарзандларинини эркалашни билмади қолади. Тирикчилиги ҳам дуруст. Бировдан кам жойи йўқ. Ҳар қалай қора қозон қайнаб турибди. Тракторчилик ёмон касб эмас экан, ҳамманинг иши тушади.

Мана бугун ҳам бировнинг ҳожатини чиқариб

қайтаётди. Пича пул ишлаб олди, чаласига «тўйбола» бўлгунча ичиришди. Ҳозир уйига бориб, тўйиб ухлаб олади-да, кўёсининг дами қайтган, сўнг ишига боради.

Кўчада ўғли Дилмурод ва қизи Муниса йўнаб туришган экан. Оталарини кўриб салом беришди ва яна чопганча нари кетишди. Носир ака гўдраниб ҳовлига ўтди. Сув қўйгандек жим-житлик, зог кўринмайдими. Уйга кирди. Мактабдан энди келиб турган Дилрабо кийимларини алмаштиратган экан.

- Ия, қизим, катта бўлиб қолибсан-ку... Дилрабо уялиб, очик жойларни яяриб, очик бўлди. У отасининг чиқиб кет-

тишини кутмоқда эди, бироқ олма-кесак термоққа бошлаган қонгалаш кўзларга кўзи тушиб, юраги орқасига тортиб кетди. Отаси эшик-девозаларни беркитаётганда, қочиб чиқмоқчи ҳам бўлди. Аммо юзига тушган икки шапалоқ зарбидан гиламга ўтириб қолди.

- Ойимга айтиб бераман, - деди у жон ҳолатда. Бироқ, бутун фикр-уйи фикр-фужурдан заҳарланган ота бу таҳдидга парво қилмади.

- Айтсанг, сени ҳам, онангни ҳам оёқларингдан осиб ўлдираман!!! Шўрлик, барча ёш қизчаларга ўхшаб у ҳам гоҳо ўзини келинлик либосида тасаввур этар ва ҳатто ўзи охиригача тушуниб етмаган алланечук сирли йўллардан билинтирмайгина қизариб олар эди. Лекин ҳеч қачон бу орзулар мана шунақа машъум тарзда паймол этилишини ҳаёлига келтирмаган эди. Бирдан кўнгил кўчаси хувиллаб қолганлигини ҳис қилиб, ўқириб йиғлаб юборди...

Ойни этак билан ёпиб бўлмайдими. Ахири бир кун онаси сезиб қолди. Дилрабонинг гам-ғуссага ботган маҳзун кўзлари онаизорнинг юрагига гулдираган момақалдироққа дош беролмади: кўпдан бери тўлиб турган булутлар чокчокидан сўкилиб, ёш булоқлари шашқатор оқа бошлади. Отам, дея олди у эшитилар-эшитилмас.

- Шу ростми?! Шу ростми деяман сизга?! Носир тракторчи ёқасига чангадек ёпишган титроқ кўлларни юлқиб ташлади.

Шайтон мени йўлдан

урди, кечир! Ҳўп десанг, дўхтирга олиб бораёйлик. Она бечора!

Мени тириклайин гўрга тикдинг, шармисор қилдинг,- деди-ю ҳушидан кетди...

Жинойатчини тўрт ойдан кейин бошқа шаҳардан тўтиб келтиришди.

Номус ўғрилари! Бу ҳақда кўп ёзилган. Гоҳо у ёки бу музофотда жиноятнинг ушбу тури қамайгани ёхуд кўпайгани тўғрисида маълумотлар эълон қилиб қолмади. Ва ҳар сафар биз қаҳр-ғазаб отига миниб, тавқи-лаънат тошларини ким узоққа отишга мусобақалашган каби ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоққа ошиқамиз. Лекин ҳарчанд уринмайлик, нега шундай бўлди,

ҳам кўра таъсирчан сабаблар мавжуд. Бу бизнинг маънавиятимиз ва худбинлигимиз билан бевосита боғлиқ тушунчалардир.

Ҳозир қишлоқлардаги ҳар ўнта хонадондан биттасида, шаҳарда эса ундан ҳам камроқ - видео, аудио аппаратлар бор. Буни фақат табриклар мумкин: тўйлар ва ҳар хил тантаналарни тасмага муҳрлаб қўйиб, уни авлодларга эсдалик сифатида қолдиришга нима етсин. Бу ҳам замона берган неъмат аслида. Аммо ҳамма ерда ҳам бу неъматдан жойида фойдаланилаётганими? Бекитиқча йўллар билан дунёнинг турли бурчакларидан қилаётган фахш фильмлар одамлар онгига ўз асоратини қолдирмайди; деб ким кафолат бера олади? Метро бекатлари-ю кўплаб «кўча китоб кўрашмалари»га териб қўйилган беҳаё газета-журналлар одамларнинг ахлоқига ўз таъсирини кўрсатаётганлиги бор гап-ку!

Балки сиз ажабланарсиз - фахш фильмлар ишлаб чиқаришда етакчи ўринларни эгаллаб турган Швецияда, бир неча йилдирки, жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар худди шу мазмундаги махсулотларни имкон қадар чеклаш юзасидан қаттиқ кураш олиб бораётганлар. Улар, жумладан, фуқароларга муножаат этиб, парнофильм ва газета-журналларни сотиб олмасликка даъват этмоқдалар. Ҳар йилнинг апрел ойи сўнгги ҳафтаси шахвоний махсулотларга қарши компанияга айланиб кетганлигини эса фақат кутлаш керак. Энг муҳими, ҳар қанча даромад келтирмасин, сотувчиларнинг ўзлари ҳам бу тадбирни аста-секинлик билан бўлса-да маъқулламоқдалар. Шундай экан, нега энди бизда ҳам беҳаёликни тарғиб қилувчи ҳолатларга қарши курашининг янада таъсирчан йўлларини топиш ва муайян натижаларга эришиш мумкин эмас?

Дунёда ҳамма нарсани гаровга қўйиш мумкин: уй-жойни, машинани, дала ҳовлини, ҳатто жонни ҳам. Бироқ номусни гаровга тикиб бўларканми? ...Номуссизликка йўл қўйган кимсаларничи? Ким деб аташ керак уларни?!

Бугун Мардонкул ҳам, Носир тракторчи ҳам қаммоқда - яна ўн беш йилдан кейин озодликка чиқадилар... уйга қайтадилар. Дарвоқе, оила аъзолари уларни қутушаётганмикан?

Ҳаёт - тилсимли ўрмон. Зеро, бир ниҳолга ўт кетса, ўнлаб, ҳатто юзлаб дарахтга қирон келади. Буни унуттишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Зайниддин РИХСИЕВ.

Халққаро анжуман меваси

Туркияда ўтказилган халққаро симпозиум «Жануби-ғарбий ва Марказий Осиё ўсимликлари ҳаёти» деган мавзуга бағишланган эди. Унинг ишида ўзбек ботаник олимлари ҳам фаол қатнашдилар.

Шундан сўнг ушбу халққаро анжуманининг навбатдагиси Тошкентда ташкил этилди. Унда Ўрта Осиё ўсимликларини тадқиқ этиш борасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институти олимлари олиб бораётган тадқиқотларга катта аҳамият берилди.

Симпозиумда 100 дан ортиқ илмий маъруза тинланди. Ана шу илмий чиқишлар асосида катта тўплам босмага тайёрланди. Германия, Англия, Япония, Исроил ва бошқа мамлакатлар ботаник олимлари томонидан қилинган маърузалар ҳам асосий мақолалар сифатида мазкур нашрга киритилди.

«Жануби-ғарбий ва Ўрта Осиё ўсимликлари ҳаёти» деб номланган бу тўплам яқинда Тошкентдаги «Чинор» нашриёти томонидан кўп нусхада босилиб чиқди.

ХАЛҚҚАРО АНЖУМАН МЕВАСИ

Америкалик мутахассисларнинг шоколадда, тўғрисида қанча уруғида наркотик модданинг айрим хусусиятлари борлиги ҳақидаги кашфиётлари билан бу ширинликни севувчи кишиларни бироз сергаклантиришган эди. Бу кашфиётда шоколад ҳам наркотик модда сингари одамда кўника ҳосил қилиш ва унинг истемольисиз асаб тизмининг бузилиши кўрсатилган.

Италия матбуоти хабарларига кўра, мамлакатдаги мутахассислар, америкалик олимлар бу соҳада янгилашларини ишотлашган. Шоколаднинг одам ор-

Ғаройиб олам

Ғаройиб олам

ЯНГИ ИСБОТ

Ғанизмга асоратли таъсири ҳақида далил исбот йўқ. Бундан ташқари италиялик мутахассислар, ҳатто сугда ҳам кам миқдордаги наркотик хусусият борлигини аниқлашган. Лекин бу билан ҳеч ким сутни наркотик моддалар қаторига қўшмайди. Олимлар шоколаднинг органик эҳди ҳам бўлиш жараёнини ўрганиб чиқишда ва хулосага кўра, шоколаддаги оз миқдордаги наркотик хусусият қонга ўтмасдан, ошқозоннинг ўзидек ҳазм бўлиб кетади. Шундай экан, шоколадни ҳосиллаганича ейиш мумкин, албатта ўз имкониятигизни эсдан чиқармаган ҳолда.


«МЕТАЛЛНИҚАЙТАИШЛАШ» МҶЗ
Чекланмаган миқдорда сотади:
* зангламайдиган челак 9л - 550 сўм, 15л - 600 сўм;
* зангламайдиган тоғора 13л - 600 сўм, 23л - 800 сўм;
* зангламайдиган бак 32л - 1500 сўм;
* сув қайнатқич (самовар) 42л - 4200 сўм;
* алюмин қошиқ ва вилка - 10 сўмдан;
* элик ва ром ошиқ-мошиқлари 110 мм - 60 сўм;
* йўлак (троллей) плиталари 1 кв.м. - 750 сўм;
* «Нева-5» ва «Ладога-3» русумли тўқув машиналари;
* 100 тонна қувватга эга зичлағич (пресс);
СОТИБ ОЛАДИ:
* зангламайдиган сим - қалинлиги 5 мм;
* қора тунука - қалинлиги 2 мм, 08ҚП;
ИЖАРАГА БERAДИ:
* божхона омибори - 500 кв.м.;

КОРХОНА МАНЗИЛИ: Тошкент ш. Соғбон 30-берк кўча, 79-уй.
МУНОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 46-52-00, 46-64-19, 46-14-13, 46-79-41.

9 Май - Хотира ва Қадрлаш куни

Беомон жангларида она Ватаним, жигарларим дея жангга кириб, қахрамонларча ҳалок бўлганларнинг порлоқ хотираси олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Бахтимиз, суянган тоғларимиз бўлмиш уруш ва меҳнат фаришларига мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, мустақил Ўзбекистонимиз нурли келажаги йўлидаги саяҳат-ҳаракатларига муваффақиятлар тилаймиз.

«ТОҶИ ШУҲРАТИ» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ



ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латинов (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Мақсалимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.00